Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 142 (8882). ● 1986 йил 22 июль, сешанба ● Баҳоси 3 тийин

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

19 июлда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг III пленуми бўлди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми якунлари ва унда қабул қилинган қарорларни бажариш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Шу масала юзасидан музокараларда «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчиси Г. И. Иноятова, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Асепков, Оҳангарон район ижроия комитетининг раиси М. Қодиралиев, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери И. П. Великий, Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси М. Т. Аҳмедова, Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари О. Х. Асқаров, Янги-Ангрен ГРЭСининг директори С. Юсупалиев, область комсомол комитетининг биринчи секретари Ғ. Х. Усмонхўжаев сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ишининг асосий йўналишларини кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Пленумда КПСС XXVII съезди талаблари асосида партияга қабул ва ёш коммунистларни тарбиялаш юзасидан қилинаётган иш тўғрисида Коммунистик район партия комитети ва В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг ҳисоботи тингланди. Коммунистик район партия комитетининг биринчи секретари В. Н. Бабанец ва Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Б. Ю. Юсупов ҳисоботлар билан чиқдилар. Бу масалани муҳокама қилишда Пискент район партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Амелин, Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозининг колхозчиси Ф. Ж. Ғозиева, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози партия комитетининг секретари К. Гинашев қатнашдилар.

Шу масала юзасидан область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов сўзга чиқди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум ўзини обрўсизлантирган У. Я. Баҳодировни область партия комитети аъзолигига кандидатлар составидан чиқарди.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1986 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ЯКУНЛАРИ ВА УНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

### *Ўртоқ Т. А. АЛИМОВ доклади*

КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган ғояларнинг яратувчилик энергияси ўн иккинчи беш йилликнинг ҳар бир кунида оғишмай амалий ишларга айланмоқда. Сўнгги вақтда партия томонидан қабул қилинган қарорларнинг характери шундайки, кескин ўзгаришлар ҳамма соҳада — экономикада ҳам, социал-маданий соҳада ҳам, бутун ҳаётимизнинг сифати ортишида ҳам ҳис қилина бошланди.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган июнь Пленуми съезднинг программ қоидаларини амалга оширишда муҳим босқич бўлди. Унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев доклад қилди. Пленумда партия ва давлатда қайта қуришнинг бориши якунлари юксак масъулият ҳисси ва ўз-ўзини танқид асосида баҳоланди, совет жамиятининг съезддан сўнг ривожланиши, жаҳонда таркиб топган ташқи сиёсат вазияти объектив кўрсатиб берилди. Пленумда жадаллаштириш концепциясидан келиб чиқиб, янги беш йиллик планнинг муҳим масалалари кўриб чиқилди, уларни бажариш юзасидан партия ташкилотлари, меҳнат коллективларининг аниқ ва кўп қиррали вазифалари белгилаб берилди.

Планда белгиланган марралар миллий даромаднинг саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг энг кўп даражада кўпайишини таъминлайди. Буларнинг ҳаммаси партиянинг экономикани ривожлантиришда социал йўналишни кучайтириш, совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишга қаратилган йўлини изчил амалга ошириш учун мустаҳкам моддий негиз яратади.

Республика партия активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида республика партия ташкилотида қайта қуриш қандай бораётганлиги, олға томон ҳаракатимизни тезлаштириш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида талабчанлик, партиявий ўткир ва принципиал сўз борди.

Бугунги пленумнинг вазифаси, ўртоқлар, амалий ишлар ва натижалар нуқтаи назаридан бизнинг фаолиятимиз партиянинг ҳозирги талабларига қанчалик мувофиқ эканлигини, область партия ташкилоти қайта қуриш йўлидан қанчалик изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб бораётганлигини хушёрлик ва реал баҳолашдан, яқин вақт ва истиқбол ишларининг программасини белгилашдан иборатдир.

Бизнинг йўлимиз стратегияси съезд томонидан белгилаб берилди. У ҳаракатда изчиллик ва қатъийликни таъминлаш, чала-чулпа чоралар билан чекланмаслик, оммани кўтариш ва орқадан эргаштириб бориш, кадрлар психологиясини тубдан қайта қуришдир.

Ўтган нисбатан қисқа вақт ичида область партия комитети, унинг бюроси, бўлимлари, шаҳар ва район партия комитетлари ишида янгилик томон бурилиш муайян даражада сезилмоқда. Партия, совет, хўжалик органларининг вазифаларини чеклаш линияси аниқ амалга оширилмоқда.

Қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишда коллегиячилик кенгаймоқда. Кадрлар билан ишлашда уларнинг мустақиллигини, ташаббускорлигини, масъулиятини ривожлантиришга, куч-ғайратларини муҳим муаммоларни ҳал қилишга, ички резервларни қидириб топишга сафарбар этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларнинг ижодий куч-ғайратига қўшилиб, область экономикасининг ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида анча динамик ривожланишига ёрдам берди. Халқ хўжалигининг деярли барча тармоқлари биринчи ярим йиллик план топшириқларини ошириб бажардилар. Саноатда ишлаб чиқаришнинг ортиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан пландаги 3,4 процент ўрнига 5,6 процентни ташкил этди. Маҳсулот тайёрлаш ҳажми ортишининг 80 процентдан кўпроғи меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига таъминланди. Кейинги уч йил давомида биринчи марта маҳсулот таннархини арзонлаштиришга эришилди.

Бу йилги қийинчиликларга қарамай экин экиш кампанияси энг яхши агротехника муддатларида тугалланди, агросаноат меҳнаткашлари экинларни парвариш қилиш бўйича фидокорона ишламоқдалар. Давлатга пилла топшириш социалистик мажбурияти ошириб бажарилди, гўшт, сут, тухум тайёрлаш биринчи ярим йиллик плани барвақт уддаланди.

Область бинокорлари суръатни оширмоқдалар, бошқа тармоқларнинг иши ҳам бир маромга кириб бормоқда.

Бундай натижалар бизнинг ҳаётимизда қайта қуриш олиб келаётган ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқдир. Лекин очиғини айтиш керак, ҳали жуда кам иш қилдик, фойдаланилмаётган резервлар ва ишга туширилмаётган имкониятларнинг катта қатламидан биринчи қават олинди, холос.

Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида ҳақли равишда таъкидлаганидек, эскича муносабатлар орқага тортмоқда, ишни сўз билан алмаштириш, танқид ва ўз-ўзини танқиддан амалий хулосалар чиқариб олмаслик фактларига ҳали ҳам дуч келинмоқда. Бунинг оқибатида қайта қуриш лозим даражада самара бермаяпти.

XXII область партия конференциясида Тошкент тўқимачилик комбинати раҳбарлиги, партия ташкилоти шаънига айтилган кескин танқид пленум қатнашчиларининг эсида бўлса керак. Вазиятни хушёрлик билан аниқлаш, барча резервларни зўр куч-ғайрат билан ишга солиш ва аҳволни тартибга келтириш билан комбинат партия комитети, раҳбарлиги шуғулланмаса ким шуғулланади? Бироқ вақт ўтиб бормоқда. Амалий силжишлар эса жуда суст. Ишлаб чиқариш ҳамон бир маромда ишламаяпти, асосий ишлаб чиқариш қувватлари 80—85 процент фойдаланмоқда, иш вақтининг йўқотилиши, кадрлар қўнимсизлиги юқорилигича турипти. «Планни ҳар қандай йўл билан бажариш» қуролланган даъватнинг туғишган синглиси бўлган штурмчилик жуда секинлик билан бартараф этилмоқда. Реконструкция ва техника жиҳатдан қайта ускуналаш эски лойиҳалар асосида олиб борилияпти, бу корхонани олдиндан келажакда техник қолоқликка мубтало қилади.

Бу ерда сафсатабозликка жуда саҳийлар, меҳнат коллективининг роли, инсон омили тўғрисида дабдабали гапиришга усталар. Бироқ комбинат ходимларининг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш бўйича амалий ишлар тўғрисида гап кетгудек бўлса активликларини сезиларли даражада сусайтирадилар.

Бунинг устига яқинда «Правда Востока» газетасида босилган мақола шуни кўрсатдики, комбинатнинг айрим раҳбарлари шунчалик лоқайд бўлиб қолганларки, улар хўжакўрсинчилик ва кўзбўямачилик ботқоғига шунчалик ботиб кетганларки, ҳатто ягона сиёсий кунларда кишилар билан жонли суҳбат қилиш муваффақиятлар тўғрисидаги қалбаки ҳисоботлар билан алмаштирилади. Бу нуқсонларнинг ҳаммаси фақат партия комитети кўз олдида намоён бўлмай, бевосита унинг фаол иштироки билан содир бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми бундай муносабатни қайта қуришдаги хомхаёллик деб таърифлади. Раҳбар, коммунист сифатида, область партия комитетининг аъзоси сифатида ўртоқ У. С. Султонова, сизнинг партиявий виждонингиз бепарволигининг чегараси борми? Фрунзе район партия комитети ходимлари, ўртоқ Хўжаева бундай аҳволдан хабардорлар-ку, улар бу корхонада вақти-вақти билан бўлиб туришади.

Афсуски, бундай муносабат ягона эмас. Бошқа шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ҳам шундай аҳволга дуч келмоқдамиз.

Сустлик ва бепарволик, нўноқлик ва кутиб туриш ҳар доим ҳам чидаб бўлмайдиган ҳодиса ҳисобланган. Бироқ тубдан қайта қуриш шароитларида улар жадаллаштиришга ғов бўлмоқдалар, демак, бундай сарқитлар йўлимиздан қатъий равишда супуриб ташланиши, оддий қилиб айтганда улоқтириб юборилиши керак. Кишиларда шундай активликни тарбиялаш оғир. Бироқ елкада сусткашлик, кутиб туриш юки билан олдинга томон ҳаракат қилиш янада мушкулдир.

Ўртоқлар, ҳар биримиз ва биргаликда ҳаммамиз съезд томонидан ишлаб чиқилган йўлнинг тўғрилиги ҳақидаги баландпарвоз гаплар ботқоғига реал амалий ишларнинг чўкиб кетмаслиги учун жавобгармиз, зероки, бизнинг олдимизда юксак онглиликни, фикрлаш ва амалий ишда таркиб топган андозалардан қатъий воз кечишимизни талаб этувчи катта, фидокорона иш турипти.

Иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг беш йиллик планида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида область халқ хўжалигининг самарадорлигини анча ошириш назарда тутилмоқда. Область партия комитети ташаббуси билан биринчи бор ишлаб чиқилган «Интенсификация-90» регионал комплекс программаси унда белгиланган марраларнинг эгалланишини таъминлашга даъват этилган. Бу программада область экономикаси ва социал соҳасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш назарда тутилган, машинасозликни илдам суръатлар билан ривожлантириш, ишлаб чиқаришни роботлаштириш, электроникалаш ва комплекс автоматлаштириш, тайёрланаётган буюмларнинг сифати ва истеъмол хусусиятларини кескин ошириш бўйича тадбирлар белгиланган.

Қўшимча меҳнат ресурсларини жалб қилмасдан туриб, ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллик ўртача ўсиши 5—6 процентни ташкил этади. Юқори сифат категориясидаги буюмларнинг улуши 1990 йилга келиб икки баравар кўпаяди, маҳсулот таннархи 5—7 процент камаяди. Инвестиция сиёсатида сезиларли даражада ўзгаришлар бўлади. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида асосий ишлаб чиқаришда механизация даражаси 70 процентга етказилади. Бу 2 мингдан ортиқ ишчи ўрнини бўшатиш имконини беради.

Озиқ-овқат программаси талабларига мувофиқ область агросаноат комплексини ривожлантириш марралари аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришни назарда тутади. Ўн иккинчи беш йиллик охирига келиб мева-сабзавот маҳсулоти тайёрлаш 1985 йилдагига нисбатан 1,4 баравар, гўшт ва тухум тайёрлаш учдан бир қисм, сут тайёрлаш деярли 20 процент ортади. Айни вақтда техника экинлари — пахта ва каноп етиштиришнинг юксак даражаси сақлаб қолинади.

Беш йилликда халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш 21 процент кўпаяди, бу маблағнинг ярмини реконструкция қилиш ва техник қайта ускуналашга сарфлаш назарда тутилмоқда. Уй-жой қурилиши анча кенгаяди. Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 8,5 миллион квадрат метр уй-жой қуриш назарда тутилмоқда. Поликлиникалар, касалхоналар, мактаблар ва бошқа социал объектлар қурилишига ажратиладиган маблағлар ҳажми кўпаяди.

Транспорт ва алоқанинг бир маромда анча барқарор ишлашини таъминлаш назарда тутилади, хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларини ривожлантириш суръатлари оширилади.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак биз бугун шундай бир маррага келдикки, бу вақтда бутун фронт ва барча йўналишлар бўйлаб ҳужумни зўр куч-ғайрат билан кучайтиришимиз керак.

Планларимизни умуман ижобий баҳолаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, ҳали уларнинг доираси атрофида анчагина фойдаланилмаётган резервлар қолмоқда. Шунинг учун ҳам область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, совет ва хўжалик органлари белгиланган мақсадларга энг кам даража деб қарашлари керак. Шуниси аниқки, ишда туб бурилишни малакали партия ва хўжалик раҳбарлиги, кадрларни нуқсонларни бартараф этиш учун психологик қайта тарбиялаш билангина таъминлаш мумкин. Биз бундай камчиликларга шунчалик кўникиб қолдикки, улардан ҳеч ажралгимиз келмайди.

Ишни энг муҳимидан — план барча хўжалик фаолиятининг қонуни эканлигидан бошлаш керак. Маълумки, қатор йиллар давомида кўпгина раҳбарларнинг психологияси планга тузатишлар киритиш мумкинлиги, уни амалда эришилган натижаларга мослаш шароитларида таркиб топди. Бу аҳвол план интизоми даражасига ҳамон

(Давоми 2-бетда).

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси махсус мажлисида ҳукумат комиссиясининг 1986 йил 26 апрель куни Чернобиль АЭСида юз берган авария сабабларини текшириш натижалари, бу авария оқибатларини тугатиш ҳамда атом энергетикаси хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисидаги докладини муҳокама қилди.

Авария ана шу электр станцияси ходимлари реактор қурилмасидан фойдаланиш қоидаларини бир неча бор қўпол бузганликлари сабабли юз берганлиги аниқланди. Тўртинчи энергия блокида уни тунги вақтда планли ремонтга ўтказиш чоғида турбогенераторлар иш режимларини тадқиқ этиш билан боғлиқ экспериментлар ўтказилган. Бунда АЭС раҳбарлари ва мутахассислари бу экспериментга ўзлари тайёргарлик кўрмаганлар, эксперимент ўтказишни тегишли ташкилотлар билан келишиб олишга мажбур бўлсалар ҳам, бундай қилмаганлар. Ниҳоят ишларни амалга ошириш чоғида зарур контроль таъминланмаган ҳамда тегишли хавфсизлик чоралари кўрилмаган.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ва «Госатомэнергонадзор» Чернобиль станциясида ишларнинг аҳволи контролсиз қолишига йўл қўйганлар, хавфсизлик талабларини таъминлаш, интизомни ва ана шу станциядан фойдаланиш қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик учун самарали чораларни кўрмаганлар.

Масъулиятсизлик ва бепарволик, интизомсизлик оғир оқибатларга олиб келди. Авария натижасида 28 киши ҳалок бўлди, кўплаб кишиларнинг саломатлигига путур етди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади. Уларнинг оилаларига давлат ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Катта профилактика ишлари ташкил этилди. Бир неча юз минг киши медицина текширишидан ўтказилди. Ҳозирги вақтда 203 кишида нурланиш касаллиги диагнози аниқланди. Улардан 30 киши стационар шароитларида даволаш курсини ўтмоқда.

Реакторнинг бузилиши станция атрофида салкам 1 минг квадрат километр майдондаги территориянинг радиактив зарарланишига олиб келди. Бу майдонларда қишлоқ хўжалик ерлари обороттдан чиқиб қолди, корхоналар, қурилишлар ва бошқа ташкилотларнинг иши тўхтатиб қўйилди. Авария муносабати билан бевосита кўрилган зараргина икки миллиард сўмни ташкил этди. Халқ хўжалигини энергия билан таъминлаш қийинлашди.

Сиёсий бюро СССР прокуратураси Чернобиль АЭСида авария чиқишида айбдор бўлган шахсларга қарши жиноий иш қўзғатганлиги ва тергов олиб бораётганлиги, терговдан кейин унинг материаллари судга топширилишини эътиборга олди.

Оғир оқибатли аварияга олиб келган ишдаги катта хатолари ва камчиликлари учун «Госатомэнергонадзор» раиси ўртоқ Кулов, СССР Энергетика ва электрлаштириш министрининг ўринбосари ўртоқ Шашарин, ўрта машинасозлик министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ Мешков, илмий-тадқиқот ва конструкторлик институти директорининг ўринбосари ўртоқ Емельянов эгаллаб турган лавозимларидан олиб ташландилар. Айни пайтда улар қаттиқ партиявий жавобгарликка тортилдилар. Чернобиль АЭСи собиқ директори Брюханов партия сафидан ўчирилди.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министри ўртоқ Майорец Чернобиль АЭСига раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликлари учун ишдан олинишига лойиқ эканлиги таъкидланди. Лекин Сиёсий бюро унинг ана шу лавозимга тайинланганига ҳали кўп вақт бўлмаганлигини ҳисобга олиб, унга қаттиқ партиявий жазо берди, юз берган воқеадан тегишли хулоса чиқариб олмаса, қаттиқроқ жазога тортилиши ҳақида огоҳлантирилди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контроли комитетига, Украина Компартияси Марказий Комитетига, Москва шаҳар партия комитетига бошқа ходимларнинг жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш топширилди.

Мажлисда таъкидландики, авария оқибатларини бартараф этиш юзасидан катта ва дадил тадбирларнинг амалга оширилиши электростанцияда ва унинг атрофидаги жойларда вазиятни қисқа муддатда тубдан ўзгартиришга имкон берди. Чернобиль АЭСи хавфли зонасидан кўчирилган аҳоли учун уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қурилмоқда, аҳолига етказилган моддий зарар тўланмоқда. Кишиларни иш билан таъминлаш юзасидан зарур чора кўрилмоқда.

Зарарланган реакторнинг ҳолати ишончли тарзда контроль қилинмоқда ва ҳеч қандай хавф-хатар йўқ. Авария бўлган энергетика блокини консервациялаш юзасидан мураккаб инженерлик тадбирлари амалга оширилмоқда.

Электростанция майдонини радиактив булғанишдан тозалаш, атроф территорияни, биноларни, иншоотларни, ускуналарни дезактивация қилиш кенг кўламда олиб борилмоқда. Тупроқ қатламини кўчириб олиш ва уни кўмиб ташлаш, жойларни махсус химиявий моддалар билан дорилаш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Натижада радиация даражаси нормадагидан юқори бўлган районларда бу даража кескин камайди ва ҳозир фақат Чернобилда ва унинг яқинидаги айрим пунктларидагина йўл қўйиладиган нормадан ҳали ҳам юқоридир.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш учун Припят дарёсининг 20 километр масофадаги қирғоғини кўтариш билан бирга сув ҳавзасини пухта ҳимоя қилишни таъминлайдиган иншоотлар системаси барпо этилмоқда.

Сиёсий бюро шуни таъкидладики, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш юзасидан шошилинч чоралар кўриш тўғрисидаги қарорини совет халқи астойдил тушуниб кутиб олди. Бу эса меҳнат коллективларининг, ҳар бир совет кишисининг олға сурилган вазифаларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшишга интилишларида ифодасини топди. Минглаб кўнгиллилар тиклаш ишларида бевосита қатнашиш истагини билдирдилар.

Совет кишилари авария оқибатларини тугатишга ёрдам фондига 400 миллион сўмдан кўпроқ пул ўтказдилар. Кўплаб коллективларнинг меҳнаткашлари бир смена бепул ишлаб бердилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аварияни тугатиш ҳамда унинг оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш чоғида ишчилар, мутахассислар, олимлар, ҳарбий хизматчилар, медицина ходимлари, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари фидокорлиги ва меҳнат жасоратини юксак баҳолайди. Алоҳида намуна кўрсатган ўртоқларни СССР орден ва медаллари билан мукофотлашга тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Чернобиль атом электр станциясидаги авария жиддий сабоқ бўлиб, министрликлар ва идоралар, илмий, конструкторлик ва лойиҳа ташкилотлари, хўжалик, совет, партия органлари ундан узил-кесил хулоса чиқариб олишлари кераклиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси министрлик ва идоралардан мавжуд атом элекростанцияларидан хавф-хатарсиз фойдаланишни таъминлаш, ҳамма даражада технология интизомини мустаҳкамлаш, реактор қурилмалари ва бошқа ускуналар иш регламентига оғишмай риоя этиш учун талабчанликни ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилди. Электростанцияга хизмат кўрсатувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш, махсус тренажерлар билан таъминланган ўқув-машқ марказлари тармоғини кенгайтириш кўзда тутилди.

Давлат назорати органларига барча атом электр станцияларининг ишини қатъий контроль қилиб туриш вазифаси топширилди.

Ишда юксак даражада уюшқоқлик, пухталик ва ишни ўз вақтида бажариш, чуқур билим ва маҳорат атом энергетикасидаги ҳар бир меҳнат коллективининг турмуш қонуни бўлиб қолиши керак.

Ҳукумат комиссияси, СССР министрликлари ва идоралари, Украина ва Белоруссия партия ва совет органларининг алоҳида диққат-эътибори авария рўй берган энергоблокни консервация қилиш, шу жумладан, уни батамом кўмиб ташлашга оид барча ишларни белгиланган муддатда туғаллаш муҳимлигига қаратилди. Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш учун зарур бўлган машиналар, дезактивация воситалари, материалларни етказиб бериш топшириқларининг бажарилишини қаттиқ контроль остига олиш таклиф этилди. Бошқа жойларга кўчирилган аҳолининг уй-жой ва социал-маиший шароитини яхшилаш биринчи даражали вазифадир. Қишлоқ аҳолиси учунгина умумий саҳни салкам 700 минг квадрат метр бўлган уй-жой қуриш керак.

Ядро энергетикасини ривожлантиришга раҳбарлик ва масъулият даражасини ошириш, атом электр станцияларидан фойдаланишни яхшилаш мақсадида умумиттифоқ Атом энергетикаси министрлиги ташкил этилди.

Иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига атом электр станциялари партия ташкилотларига раҳбарлик даражасини ошириш, ишчилар, инженер-техник ва раҳбар кадрларни юксак масъулият руҳида тарбиялаш, меҳнат коллективларида интизом ва тартибни қатъият билан мустаҳкамлаш, ана шу корхоналар хавфсиз ишлашини таъминлаш масалаларига биринчи даражали аҳамият бериш вазифаси топширилди. Мазкур вазифаларни ҳал этишга партиявий таъсирни кучайтириш мақсадида атом электр станциялари партия ташкилотлари учун КПСС Марказий Комитети партия ташкилотчилари лавозимларини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Совет Иттифоқи Чернобиль АЭСидаги авария муносабати билан совет халқига бирдамлик билдирган социалистик давлатлардан астойдил миннатдордир. СССР маънавий мадад ва амалий ёрдам учун бошқа кўпгина мамлакатлар, уларнинг гражданларидан миннатдордир.

Мажлисда ядро хавфсизлигини таъминлаш учун кенг халқаро ҳамкорлик ва турли мамлакатларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари зарурлиги таъкидлаб ўтилди. СССР ер юзидаги атом қурилмаларининг ишида авария эҳтимолига бутунлай барҳам берилишига эришиш учун бошқа мамлакатларга биргаликда куч-ғайрат сарфлашни таклиф этади. МАГАТЭ бош конференциясининг сентябрь ойида ўтказиш мўлжалланган махсус сессияси бу жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Бизнинг мамлакатимиз сессия ишида амалий равишда қатнашишга тайёрдир ва турли давлатларнинг олимлари биргаликда янги туркумдаги реакторни яратишларини актуал вазифа деб ҳисоблайди. Шу билан бирга энергиянинг битмас-туганмас манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган бошқариладиган термоядро синтезини ўзлаштиришда ҳамкорликни жадаллаштириш зарур.

Ядро энергетикаси объектлари хавфсизлиги проблемасининг бошқа жиҳати ҳарбий ҳаракатлар ёки террорчилик ҳуружлари натижасида уларни қасддан вайрон этилишига йўл қўймаслик билан боғлиқдир. Ҳар қандай кўринишдаги ядро терроризмининг олдини олишга оид тадбирларнинг мустаҳкам системасини ишлаб чиқиш керак.

Планетамизда атом урушига моддий тайёргарликни тўхтатмай туриб, уруш олиб бориш воситаларини бутунлай тугатмай туриб ядро хавфсизлигига эришиш мумкин эмас. Совет Иттифоқи Ғарбдаги ҳарбий саноат комплексининг кескин қаршилигига қарамай, ўзи таклиф этган шу асрнинг охиригача дунёни ядро қуролидан халос қилиш программасини амалга оширишга азму қарор бергандир. Мазкур программа 1986 йилнинг 15 январида ўртага қўйилганидан бери мамлакатимиз қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш тўғрисидаги музокараларда реал аҳдлашувга эришиш имконини берадиган конкрет таклифларни ўртага қўйди.

Ядровий қуролланиш пойгасини жиловлаш, ядро қуролини қисқартириш ва ядро синовларини тўхтатишнинг реал тадбирларига ўтиш халқаро хавфсизликни таъминлаш ишида бурилиш нуқтаси бўлиб қолиши зарур. Жаҳон жамоатчилиги Америка маъмуриятидан Совет Иттифоқининг ўз ихтиёри билан ядро портлатишларини тўхтатиб қўйганлигига ижобий жавоб кутмоқда. Қурол-яроғларни ҳақиқатан ҳам чеклаш тинчликнинг мустаҳкамланишига ва ишончли ядро хавфсизлигига қўшилган энг яхши ҳисса бўлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси министрликлар ва идоралар, маҳаллий партия ва совет органлари, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тезроқ бартараф этиш, атом электр станцияларининг пухта ва хавфсиз ишлашини таъминлаш учун, халқ хўжалиги манфаатлари йўлида, меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида совет атом энергетикасини янада ривожлантириш учун зарур тадбирларни кўрадилар, деб қатъий ишонч билдирди.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

19 июлда ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг саккизинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия бошланиши олдидан Советнинг партия группаси мажлиси бўлди. Мажлисни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов олиб борди.

Сессияда 1986—1990 йилларда областни иқтисодий ва социал ривожлантириш плани ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари ҳамда хўжалик органларининг партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми қарорлари асосида халқ хўжалиги комплекси самарадорлигини ошириш юзасидан вазифалари муҳокама қилинди. Область ижроия комитети раиси П. М. Абдураҳмонов шу масала юзасидан доклад қилди. План-бюджет доимий комиссияси раиси С. Р. Тўлаев қўшимча доклад қилди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. Ш. Беккулбекова иштирок этди.

**(Сессия ҳақидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонларидан бирида эълон қилинади).**

## БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш чоғида 1986 йилнинг биринчи ярим йиллигида халқ хўжалигида ижобий силжишлар содир бўлди: план топшириқларини бажариш яхшиланди, ижтимоий ишлаб чиқариш ривожининг суръатлари ўсди, халқ фаровонлигини янада юксалтириш амалга оширилди, дейилади СССР Марказий статистика бошқармасининг 1986 йил биринчи ярмида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисидаги ахборотида.

Жамғарма ва истеъмол учун фойдаланилган миллий даромад 1985 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан қарийб 10 миллиард сўм кўпайди.

Саноат маҳсулоти шу давр мобайнида 22 миллиард сўм миқдорида ўсди. Давлат капитал маблағлари ҳисобига асосий фондларни ишга солиш 2,8 миллиард

(Давоми [illegible]-бетда).

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1986 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ЯКУНЛАРИ ВА УНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 2-бетда).

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида биз капитал қурилишни тубдан қайта қуриш зарурати олдида турганлигимиз таъкидланди. Бу партия кўрсатмаси бизнинг областимиз қурилиш комплекси учун алоҳида актуалдир. Бошланган ижобий силжишларга қарамай бу соҳада қайта қуриш изчил давом этаяпти, деб айта олмаймиз.

Кучлар ва маблағларни кўпдан-кўп объектларга сочиб юбориш ҳамон давом этмоқда. СССР қурилиш банкининг область идораси томонидан қисқартириш учун таклиф қилинган 102 та қурилишнинг йиллик капитал маблағлари ҳажми 31 миллион сўмликдан ортиқ бўлган тўртдан уч қисмини буюртмачи Иттифоқ ва Иттифоқ республика министрликлари ҳар хил сабабларни рўкач қилиб пландан чиқариб юбормадилар.

Пухта ишланмаган, баъзан эса техник лойиҳалари йўқ қурилиш ва объектларни планга киритишдек ярамас одат тугатилган эмас. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлиги ўжарлик билан шундай позицияда турибди. У бир неча йилдан буён 160-трест пудрат ишлари планига лойиҳа-смета ҳужжатлари тўла ҳажмда таъминланмаган, ускуналар етказиб бериш графиклари ишлаб чиқилмаган, қурилиш учун майдонлар тайёрланмаган объектларни тиқиштириб келмоқда. Натижада, бир вақтлар илғор бўлиб келган трест сурункасига иккинчи йил пудрат бўйича, товар маҳсулоти бўйича планларни бажармаяпти, зарар кўряпти, кадрлар қўнимсизлиги кучаймоқда.

Ана шу ва бошқа камчиликлар учун бирлашма раҳбарлари ва партия комитети область XXII партия конференциясида қаттиқ танқид қилинган эдилар. Бироқ на ўртоқ Содиқов, на ўртоқ Федулов ўзлари учун керакли хулоса чиқариб олмадилар. Бу хулосани Чирчиқ шаҳар партия комитети чиқарса тўғри бўларди.

Қурувчиларнинг ўзлари ҳам ишни қойил қилаётганлари йўқ. «Узбекшахтострой» трестини олиб кўрайлик. Бу коллектив кейинги уч йил давомида асосий объектларни ишга тушириш планини мунтазам бажармай келмоқда, меҳнат унумдорлиги деярли ўсмаяпти, қурилиш ишлаб чиқаришини тайёрлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ваҳоланки, бу коллектив бир вақтлар социалистик мусобақа пешқадами ҳисобланар, бир маромда юксак сифат билан ишлар эди. Бу ерда хотиржамлик, лоқайдлик ва юзакичилик қачон бошланганлигини айтиш қийин, лекин бу иллатлар борган сари хўжалик бўғинлари, партия ва касаба союз комитетига ёйилиб ҳозирги вақтда уларнинг ижодий ташаббуси ва ишдаги активлигини бутунлай бўғиб қўйди. Ҳозир жадаллаштириш бошланган бир пайтда бундай позицияда туриш, Калустьян ва Соловьев ўртоқлар, сира тўғри келмайди. Бундай шароитда Ангрен шаҳар партия комитетининг узоқ бардош бериб келаётганлиги ҳайрон қолдиради.

Қурилиш индустриясининг бошқа пешқадами — «Главташкентстрой» нинг 11-«Висотстрой» қурилиш трести (Саркисов, Юсупов ўртоқлар) ҳам ишни бўшаштириб юборди. Бу трест бу йил план топшириқларини барбод қилибгина қолмай, яхши томонга ўзгариш қилишни ўйлаётгани ҳам йўқ.

Афсуски, область қурилиш ташкилотларида хўжалик механизмини қайтадан йўлга қўйиш ҳали ҳам ниҳоятда секин бормоқда, меҳнатни ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг прогрессив формалари жуда суст йўлга қўйилмоқда. Аҳвол шундайлиги устига хўжалик бош-бошдоқлиги, умуман интизомсизлик ҳоллари юз бермоқдаки, бунга асло тоқат қилиб бўлмайди. Масалан, «Ташкентводстрой» трести (Мадалиев, Рябов ўртоқлар)да ўтган йилга нисбатан прогуллар туфайли иш вақтини йўқотиш икки марта кўпайди.

Партия комитетлари, биринчи галда область партия комитетининг қурилиш бўлими (у ўз ишини сира жадал йўлга сололмаяпти) бу хилдаги фактларга асло бефарқ қарамасликлари керак. Тармоққа партия раҳбарлигини кучайтириш, қурилиш конвейерини жадаллаштиришнинг ҳамма резервлари ҳисобга олиниши ва дарҳол ишга туширилиши керак. Аввало уй-жой қурилишида ана шунга эришиш лозим. Чунки у, айниқса қишлоқдаги уй-жой қурилиши кишилар турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим социал омили ҳисобланади. Кўплаб қишлоқ аҳолиси ҳалигача лой сувоқли уйларда яшаётганлигига биз асло бефарқ бўлмаслигимиз керак. Шунинг учун қишлоқда монолит уйсозлик сингари истиқболли йўналишни ҳар томонлама ривожлантириш зарур. Бу йўл сарф-харажатларни қисқартириб, юксак сифатли қилиб уйларни қуришни 1,5 баравар тезлатиш имконини беради. Бу масала юзасидан область партия комитети бюроси область ижроия комитети билан бирга яқинда махсус қарор қабул қилдилар. Эндиги вазифа уни пайсалга солмай бажаришдан иборат.

Беш йиллик программа область транспорт ходимлари олдига катта ва тиғиз вазифалар қўяди. Шуни айтиш кифояки, биргина автомобиль транспортида юкларни ташиш беш йиллик охиригача тўртдан бир ҳисса ортиши, пассажирлар ташиш эса 20 процент кўпайиши керак. Бу ҳол партия ташкилотлари, барча транспорт бўлинмаларининг раҳбарлари зиммасига транспортдаги мавжуд танг жойларни тезлик билан йўқотиш вазифасини қўяди. Бу ҳақда аввалги пленумда айтиб ўтилган эди.

Ишга новаторона ёндошишнинг яхши намунасини темир-йўлчилар кўрсатмоқдалар. Улар белоруссиялик ҳамкасблари тажрибасини дадиллик билан жорий этмоқдалар, бу ҳақда республика партия активи йиғилишида таъкидлаб ўтилди. Область партия комитети областнинг бошқа ҳамма транспорт бўлинмалари ҳам ишларини анча яхшилай олишлари мумкин деб ҳисоблайди. Транспорт артерияларини яхшилаб тўлдирмай туриб интенсивлаштиришни амалга ошириш мумкин эмас.

Халқ хўжалигини реконструкция қилиш, уни интенсивлаштириш вазифалари областнинг кучли илмий потенциали имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни тақозо этади. Ҳозирча эса бизда «Интенсивлаштириш-90» регионал комплекс программаси ўзига қийинчилик билан йўл очиб бормоқда. Нима бўлаяпти денг: оғизда ҳамма — бу программани ёқлаб гапиради. Айни бир пайтда бир қатор илмий муассасалар, лойиҳа институтлари, ишлаб чиқаришда унинг топшириқларини ўз вақтида ва самарали бажариш учун конкрет жавоб берадиган одам йўқ. Бу ерда айб аввало фан-техника тараққиётига кўмаклашиш кенгаши ва унинг раиси сифатида область партия комитетининг биринчи секретарига тушади.

Чамаси, область партия комитети яқин вақт ичида бу муҳим комплекс программа, шунингдек, фан-техника тараққиётининг бошқа мақсадли программалари қандай амалга оширилаётганлигини кўриб чиқиши, илмий кучларни халқ хўжалигининг конкрет эҳтиёжларига хизмат қилишга дадилроқ қайта йўналтириши, академия, тармоқ ва олий ўқув юртлари фани ишидаги амалий йўналишни янада кучайтириши керак.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, илмий муассасаларга фақатгина Ўзбекистон ССР Фанлар академияси йўли билан ўтган беш йилликда қилинган сарфлар учдан бир қисм ошган бўлишига қарамай бу илмий муассасалар айримларининг фаолияти аввалгидек оз самара бермоқда. Бу ерда давлат маблағлари беҳуда соврилмоқда. Бир қатор йўналишларда фандан келаётган самара йилдан-йилга пасайиб кетмоқда. Тугалланган илмий-техник ечимларнинг ярмидан кўпи халқ хўжалигида кенг қўлланмаяпти.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси энергетика ва автоматика институтининг фаолияти бу жиҳатдан характерлидир. Бу институтда тематик пландаги 75 процент иш техник вазифаларга эга эмас эди, илмий-тадқиқот ишларига сарфланган 1 сўм пулдан олинган самара 1985 йилда ҳисоботларда кўрсатилган 4 сўм ўрнига бор-йўғи 35 тийинни ташкил этди. Буни яшириш учун институт раҳбарлари иқтисодий самарани баҳолашда қўшиб ёзиш йўлига ўтиб олдилар, қўшиб ёзишлар 24 миллион сўмликдан ортиқни ташкил этди. Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг танлаб текшириши шуни кўрсатдики, ўн биринчи беш йиллик давомида давлатга келтирилган тўғридан тўғри зиён 600 минг сўмликдан ортиқни ташкил этди.

Аҳвол шундай бўлиб турганда институт партия ташкилоти (секретари ўртоқ Камолов), ўзига юклатилган вазифани бажармади, принципиал позицияда турмади. У аслида бу жойда амалга оширилаётган илм бобидаги қаллобликлар оқимида борди. Ҳозирги вақтда институт раҳбарлари Мақумбоев ва Колесник эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилдилар, бироқ бу коллективда юз берган воқеаларга на Куйбишев район партия комитети, на шаҳар партия комитети партиявий баҳо берди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, область партия конференциясидаёқ «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси шаънига ишдаги камчиликлари учун жиддий эътирозлар айтилган эди. Бироқ бирлашма раҳбарлари, партия комитети бунга эътибор бермади, ўтган ярим йил ичида аҳволни яхшилаш учун заррача иш қилмади. Улар яқинда республика партия активи йиғилишида қаттиқ танқидга учраганлиги ажабланарли эмас.

Бундай фактлар фанни ўйлаб эмас, балки ўзини ўйлаб ишлайдиганларга жиддий сабоқ, огоҳлантириш бўлиши керак. Ҳамма, ва аввало барча коммунистлар фанда ишлаш обрўли бўлиш билан бирга масъулиятли ҳам эканлигини, бу жойда талаб ҳамма ердагидан юқори эканлигини тушуниб етишлари керак.

Мана шундай ҳол область партия комитети фан ва ўқув юртлари бўлими яхши позиция эгалламаётганлигини кўрсатади, биз бу бўлимдан областда фан-техника тараққиётига партия раҳбарлигини тубдан қайта қуришни кўп вақтдан буён кутмоқдамиз.

Ўртоқлар, бугунги кунда ғоявий-тарбиявий ишларни тубдан яхшиламай туриб янги психологияни шакллантириш, экономикадагина эмас, одамлар онгида ҳам бурилиш қилиш мумкин эмас. Бизнинг идеологларимиз, М. С. Горбачев образли қилиб айтганидек, даъватлар ва шиорларга асл ҳақиқат руҳини беришлари керак.

Биз биринчи навбатда съезд материалларини, КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми материалларини кенг тарғиб қилишни таъминламасдан, партиянинг энг муҳим программ кўрсатмаларини чуқур эгаллаб ва тушуниб етмасдан туриб дадил олға боролмаслигимиз аниқ-равшандир. Бироқ ҳар бир коммунист, областнинг ҳар бир меҳнаткаши съезд материалларини ўрганиб бўлди (вазифа айни шу тарзда қўйилган эди) деб ҳисоблашга ҳали вақт эрта. Олмалиқ шаҳар партия комитети ва Ғалаба район партия комитети аппаратларида ўтказилган суҳбатлар шуни аниқлаб бердики, бу ишни ташкил қилишга даъват этилган одамларнинг ўзи муҳим партия ҳужжатларини юзаки биладилар. Ангрен область педагогика институтида эса, область партия комитети бюросида яқиндаги ҳисобот кўрсатганидек, бу ҳужжатларни профессор-ўқитувчилар составининг ярмидан кўпи жуда бўш билади. Пропаганда ва агитация бўлими ишидаги жиддий нуқсон ана шунда кўзга ташланади. Область партия комитетининг секретари ўртоқ Камолхўжаев ҳам ишда тегишли жойларни ҳамиша ҳам таъкидлаб кўрсата олмайди, у қайта қуриш жараёнига ҳали лозим даражада мослашгани йўқ.

Ваҳоланки, идеология кадрлари орқада юрмасликлари, кутиб туриш позициясида бўлмасликлари керак, уларнинг ўрни доимо олдинги сафлардадир, ҳаётнинг реал проблемаларидан келиб чиқадиган ҳар бир тадбир чуқур ва пухта мазмун билан бойитилган бўлиши, ҳар бир киши, коллектив, район ёки шаҳар партия комитети ишида жадаллаштиришнинг конкрет йўллари ва воситаларини очиб бериши керак.

Умрини ўтаган нарсаларни тубдан бузиб ташлашда оммавий ахборот воситаларининг роли каттадир. Область партия комитети бюроси «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари фаолиятини худди ана шу нуқтаи назардан қараб, муҳокама қилди. Редакция коллективлари ва уларнинг партия ташкилотлари партия XXVII съезди талаблари асосида иш услубини суст ўзгартираётганликлари учун жиддий танқид қилиндилар. Шу нарса таъкидландики, бизнинг область газеталаримиз фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, юксак иш сифати учун курашда меҳнаткашлар ижодий активлигини ошириш учун матбуот сўзининг бутун кучидан ҳозирча етарли фойдаланмаяптилар, газеталарнинг саҳифаларида партиявий-сиёсий ишни қайта қуришга оид таҳлилий. принципиал чиқишлар, экономиканинг муҳим муаммоларига бағишланган мақолалар кам. Область партия комитети Насимов ва Ковалев ўртоқлар, улар бошқараётган редакция коллективлари тўғри хулосалар чиқариб оладилар, қайта қуриш жараёнида вужудга келаётган ҳамма илғор ва янги нарсаларни актив қўллаб-қувватлайдилар партия сиёсатимизнинг ҳақиқий амалга оширувчилари бўладилар деб умид қилади.

Ҳамма журналистик коллективлар ҳам жадаллаштиришнинг моҳиятини тўғри тушуниб етдилар деб бўлмайди. Бу гап аввало маҳаллий матбуотга, шунингдек, уларга раҳбарлик қилаётган шаҳар ва район партия комитетларига таалуқлидир. Шаҳар ва район газетаси маҳаллий раҳбарлар фаолиятини қайд этиш бюллетени эмас, балки партиявий бошқарув ва ошкораликнинг муҳим қуролидир, буни тушуниб етиш вақти келди.

Жадаллаштириш концепцияси бугунги кунда идеология ишининг ҳамма томонларига янгича қарашни талаб этмоқда. Бу иш изчил комплекс ёндошиш асосига қурилиши, ўзининг аниқ мақсад ва мўлжалларига, конкрет пировард натижасига, муҳими эса партия ташкилотларининг бу энг зарур соҳа учун масъуллигининг конкрет ўлчовига эга бўлиши керак.

Айрим партия комитетларининг ҳозир актуал ҳисобланган атеистик тарбиядек муҳим проблемага муносабатидаги маълум юзакичилик, лоқайдлик ташвишлантиради. Диний вазиятнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бизнинг ғоявий муҳолифларимиз диндорликни жонлантиришга ҳали ҳам уринмоқдалар, ислом омилидан бизга ғаразли мақсадларда фойдаланмоқчи, унга аҳолининг эътиқоди тўла шаклланмаган қисми, хусусан ёшлар ўртасида қизиқиш уйғотишга уринмоқчи бўладилар. Бу уринишларга ҳамма вақт ҳам лозим даражада зарба берилмаяпти. Натижада областда норасмий диний бирлашмалар ҳам, сохта дин пешволари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Улар зарарли эътиқодларни ёйишга ҳаракат қилмоқдалар, «муқаддас» деб аталган жойларга сиғинишни уюштирмоқдалар.

Маҳаллий Совет органларининг бепарволиги натижасида диний қобиғдаги эскирган урф-одатлар халқ урф-одатлари деб зўрлаб тиқиштирилмоқда.

Гарчи бу ҳақда яқинда бўлган область партия активи йиғилишида муфассал гапирилган бўлса ҳам бугунги кунда яна шуни такрор таъкидлаш керакки — диний афъюн, айниқса, бош кўтарган ислом келтирадиган зарарни етарли баҳоламаслик ниҳоятда хавфлидир. Чунки улар шахсни айнитибгина қолмай, унинг ижтимоий активлигини кескин камайтиради, камчиликлар ва сарқитларга қарши курашдан четлаштиради, одамларда дамдузлик, иккиюзламачилик ва бошқа салбий иллатларни пайдо қилади. Бизнинг партиявий позициямиз бу масалада қатъий, бардошли ва муросасиз бўлиши керак.

Бизнинг биринчи секретарлардан тортиб ҳамма партия кадрларимиз атеистик тарбияни ташкил этишда юзакичиликдан буткул ҳалос бўлишлари, бу ишни атеистлар билан эмас, аслида дин таъсирига тушиб қолган кишилар билан олиб боришлари, жойларнинг ўзида, маҳаллаларда олиб боришлари, у ердаги эскилик қолдиқлари, умрини ўтаб бўлган урф-одат ва маросимларни дадил тугатишлари керак.

Бу катта ва кўп планли ишда биз область комсомол комитети (ўртоқ Усмонхўжаев)нинг актив позициясига, бошланғич комсомол ташкилотларининг ғайрат-шижоатли ҳаракатларига катта умид боғлаймиз, улар янги социалистик анъаналар учун курашнинг олдинги сафида бўлишлари керак.

Ҳозир қайта қуриш шароитида ҳамма идеология бўғинлари пухта ва бир-бирига боғлиқ ҳолда ишлашлари муҳимдир. Ўрта мактаб ислоҳоти билан боғланган тадбирларни, айниқса қишлоқда анчайин жадаллаштириш, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари иш савиясини изчиллик билан кўтариб бориш зарур. Бу соҳадан виждонсиз ходимларни қатъий йўқотиш керак.

Тошкент область мактабгача педагогика билим юртида Сайдуллаев деган шахс қандай қилиб узоқ вақтгача раҳбарлик қилиб келганига ажабланасан. У хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, билим юртини, оиласини боқадиган боқимандага айлантириб олган. Хотини, синглиси ва жиянини яхши ишларга жойлаб қўйган. Ўзининг бутун куч-ғайрати ва ташаббусини асосан шахсий ишларини бажаришга қаратган. Қинғир йўлларни усталик билан ишлатиб Сайдуллаев Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхозида шахсий уйи ва Тошкент шаҳрида хотинининг номида 4 хонали кооператив квартираси бўлишига қарамай Янгийўл районида 4 хонали квартирани ғайри қонуний йўл билан олган. Область халқ контроли комитетининг қарори билан Сайдуллаев вазифасидан четлаштирилди. Бироқ негадир четдан туриб кузатувчи позициясини эгаллаган Янгийўл район партия комитети буларнинг ҳаммасини билмасликка олиши ажаблантиради кишини.

Партия комитетлари, область халқ маорифи, область ҳунар-техника таълими бўлимлари, олий таълим системасининг партия ташкилотлари ва коммунист раҳбарлари кадрлар танлашга нисбатан ўз муносабатларини қайта кўриб чиқишлари, кадрларнинг ишчанлик ва ахлоқий сифатларига нисбатан талабчанликни кучайтиришлари керак.

Идеологик таъсирнинг самараси кўп жиҳатдан партия социал сиёсатини изчил амалга оширишга боғлиқдир. Келинг бугун очиғини айтайлик ўртоқлар, одамлар маълум қисмининг онгидаги баъзи айнишлар социал соҳадаги камчиликлар, инсонга етарли эътибор бермаслик билан боғлангандир. Ҳар биримиз «Известия» газетасида босилган «Ақл бовар қилмайди, лекин факт» мақоласини ўқиб уялдик, деб ўйлайман. Ҳақиқатда ақл бовар қилмайди. Лекин 500 га яқин аҳоли яшайдиган бутун бир посёлка оддий маданий-маиший қулайликлардан бенасиб бўлган. Калинин район партия ва совет органлари, «Узглавагропромстройиндустрия» раҳбарлари эса пинакларини ҳам бузишмаган. Фақат мақола эълон қилиниб, область партия комитети аралашгандан сўнггина бу ярамас бетартибсизликларга эътибор қаратилди.

Тажрибали партия ходими бўлган Сиз, ўртоқ Хайдуров одамларга нисбатан бунчалик бефарқлик билан лоқайд қараганлигингиз ажабланарлидир.

Социал соҳадаги эскидан тузалмай келаётган камчиликларга эътирозлар билдираётган олмалиқликларнинг айби нимада деб сўрарсиз? Шаҳарда маиший хизмат қониқарсиз ишламоқда, уй-жой муаммоси кескин бўлиб турибди. Биргина химия заводида турар-жой маиший шароитини яхшилаш учун 50 дан ортиқ киши навбат кутмоқда. Маблағлар уй-жой қуриш ўрнига эса обрў келтирадиган стадион қуришга ажратилмоқда. Ваҳоланки, шаҳарда битта стадион бор, у аҳоли эҳтиёжини қондира олади.

Социал масалалар унутиб қўйилган бошқа кўплаб мисолларни ҳам келтириш мумкин. Масалан, шаҳардаги маиший химия заводида 10 йилдан ортиқ вақтдан буён уй-жой қурилмайди, пионер лагери, дам олиш уйи, спорт ва маданият иншоотлари йўқ.

Олмалиқ шаҳар партия комитети, шахсан биринчи секретарь сифатида Сиз, ўртоқ Абдувосиқов шаҳар муаммоларига жиддийроқ назар ташлашингиз, меҳнаткашлар талаб ва эҳтиёжларига эътиборлироқ бўлишингиз керак.

Бу масалаларда меҳнаткашлар манфаатларининг чинакам ҳимоячилари бўлишга даъват этилган касаба союз ташкилотлари ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўймоқдалар. Область касаба союзлари Совети ҳам, Сизнинг қарамоғингизда бўлган область тармоқ касаба союзлари комитетлари ҳам, ўртоқ Браилов даққи бўлиб қолдилар, ташаббус кўрсатмайдилар. Юқоридан қандайдир кўрсатмаларни кутишади. Бизнингча, бу ва бошқа кўпгина масалалар касаба союзларида бошланаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида манфаатдорлик билан, чуқур муҳокама қилиниши керак.

Партия, касаба союз ташкилотлари, совет органлари соғлиқни сақлашдек муҳим соҳага бирмунча жиддийроқ эътибор беришлари керак. Бу йўналишда кўрилаётган тадбирлар ҳозирча биз истаган натижаларни бермаяпти.

Афсуски, аҳолига медицина хизмати яхшиланаяпти, деб бўлмайди. Чунки областда беморларга қўполлик қилиш ва эътиборсизлик билан қараш, врачлик одобини бузиш, таъмагирлик ва порахўрлик ҳоллари ҳамон учраб турибди. Медицина муассасаларининг, айниқса қишлоқ районларимиздаги медицина муассасаларининг моддий-техника базаси қониқарсиз ривожланмоқда. Район касалхоналарининг атиги ярмиси ва фельдшерлик-акушерлик пунктларининг бор-йўғи 3 проценти типовой биноларда жойлашган. Бир қатор саноат корхоналари ўзларининг медицина-санитария қисмларига эга эмаслар. Улар орасида «Узбекрезинотехника» бирлашмаси, «Иргидромаш» заводи, Янгийўл пойабзал фабрикаси, «Лаззат» бирлашмаси каби ва бошқа йирик корхоналар бор. Профилактик кўрикларни ташкил этишда, аҳолини ёппасига диспансеризациядан ўтказишда жиддий нуқсонлар бор. Бу ҳол баъзан хавфли касалликлар чиқишига олиб келмоқда.

Кишилар саломатлигини сақлаш соҳасидаги қониқарсиз аҳвол учун соғлиқни сақлаш органлари тўғридан-тўғри жавобгардирлар. Область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Жаҳонгирова ишга ғайрат билан астойдил киришиши, бу соҳада ишни тубдан яхшилашнинг йўллари ва воситаларини топиши керак.

Абдураҳмонов ва Айдаков ўртоқлар, соғлиқни сақлаш ва маориф, турар-жой ва транспорт, савдо ва хизмат соҳалари — буларнинг ҳаммаси область ижроия комитетининг, халқ депутатлари маҳаллий советларининг жонажон иши бўлиши керак. Биз бу масалаларга яна қайтаётган эканмиз бу советларда ишчанлик, талабчанлик, ташаббускорлик етишмаётганлигини, баъзан партия раҳбарлиги даражаси ҳам бўшашганлигини кўрсатади.

Советлар иқтисодий ва социал ривожланишнинг мувофиқлаштирилган планларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда керакли ваколатларга эгадирлар. Бу ҳол уларнинг масъулият даражасини ҳам, область меҳнаткашлари кундалик талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш учун курашда ҳар бир депутатнинг актив позициясини ҳам белгилаб беради.

Партия кўрсатганидек одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, социал соҳани биринчи планга, ҳеч бўлмаганда ишлаб чиқариш билан бир сафга қўйиш лозим.

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми олдимизга аниқ ва равшан вазифа қўйди. Бу вазифа бутун партия ишини одамларга, жонли ишга қараб буришдан иборатдир. Бугунги кунда партия ишининг сифати кўп жиҳатдан унинг конкретлиги ва аниқлиги билан белгиланади, бунда умумий таҳлил ва муҳокамалардан кўра ҳаётнинг ичида, омма орасида қанчалик иш олиб борилаётганлиги, масалага моҳирона ёндашиб, уни охиригача етказилаётганлиги муҳимдир. Ҳозирги босқичда партия комитетларининг ва биринчи навбатда шаҳар ва район партия комитетларининг иш услуби қайта қуриш қандай бораётганлиги билан текширилмоқда.

Область партия ташкилотида вазият шу билан ҳам мураккаблашмоқдаки, ҳамма бўғинларда партия раҳбарлигига кўп ҳолларда етарли иш тажрибасига эга бўлмаган янги кадрлар келди. Бунинг оқибати натижасида кўпгина партия комитетларининг секретарлари раҳбарликнинг сиёсий усулларини ҳамон суст ўзлаштирмоқдалар, жадаллаштириш йўлида керакли мўлжални баъзан тўғри ололмаяптилар. Уларнинг фаолиятида ҳам биз, афсуски эскирган схема ва ёндашувларга, эскича фикрлашга, умрини ўтаб бўлган иш форма ва методларига дуч келмоқдамиз.

Коммунистик район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Бабанец кўпинча иккинчи даражали ишлар билан ўралашиб қоляпти, ҳозирча асосий масалага кучларни жалб қила олмаяпти, Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Камолов мақташармикан, деб ишнинг ташқи томонига зўр бермоқда. Янгиобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Носков нутқларидаги ялтироқ ва жимжимадорлик баъзида амалий ишлардан устун турмоқда.

Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Березовский ва Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари Миразимова ўртоқларнинг фаолиятларида эса ҳамон журъатсизлик, қатъиятсизлик ва сусткашлик кўп ҳолларда кўриниб туради.

Биз бу ҳақда бугунги кунда очиқчасига, коммунистчасига, ўртоқларча гапирмоқдамиз. Бу танқидлар тўғри тушунилиши ва ортиқча кучайтириб юборилмаслигини истардик. Келинг, танқид ҳаётимиз, иш услубимиз нормаси эканлигига одатланайлик. Танқид ишга ёрдам қилиши, ундан тўғри хулосалар чиқариб олиниши, камчиликлар тезроқ бартараф қилиниши муҳимдир.

Партия раҳбари мансаб тўғрисида, юқори турган раҳбарлар олдида яхши кўринишни ўйламаслиги, балки аксинча ишлаши, ишлаганда ҳам мустақил, актив ва жон куйдириб ишлаши, манманлик ва мутаассибликка асло йўл қўймаслиги керак.

Очиқ эътироф этиш керакки, биз фаолиятимизда ишнинг бюрократик усулларига ҳамон ёпишиб олишдан халос бўлган эмасмиз. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «шов-шув ва ғовур-ғувурдан, комиссиялардан, сафсата сотиш ва қоғозбозликлардан ҳар нима қилиб бўлса ҳам қутулиш...» керак. Ҳозирча эса биз бунга эриша олмадик. КПСС Марказий Комитетининг Пленумида Тошкент шаҳар партия комитети шаънига айтилган танқид областдаги ҳамма партия комитетларига тўла тааллуқлидир. Область партия комитети ҳам бундан истисно эмас.

Область партия комитети бюроси, секретариати ва биринчи секретарь сифатида менинг айбим шундаки, биз эскича усулдан буткул қутула олмаяпмиз, кўринишдан жуда банд одамларга ўхшаб ишлаймиз, бошланғич партия ташкилотларидан узоқдамиз, бутун кучни одамлар билан ишлаш, ишни амалий ташкил этишга тўла жамлай олмаяпмиз.

Мажлис ўтказишга интилишни олиб кўрайлик. Уларни қисқартириш тўғрисида неча бор айтилди, айтилганда ҳам кескин қилиб айтилди. Шунга қарамай мажлисбозлик айрим партия комитетларида давом этмоқда, бундай услуб совет ва хўжалик органлари фаолиятида ҳам яққол кўриниб турипти. Масалан, область матлубот жамияти союзи правлениесининг шу йил апрель ойидаги мажлисида 155 раҳбар таклиф қилинди, 20 та масала кўрилиб, у олти соат давом этди. Ярим йил ичида ҳаммаси бўлиб бу ерда 22 та мажлис ўтказилиб, 144 та масала кўриб чиқилди. Бу ўтган йилдагидан учдан бир ҳисса кўпдир.

Бу мажлислар, ўртоқ Ли, натижа берса кошкийди. Область кооператорлари биринчи ярим йиллик якунларига кўра 12,6 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотни аҳолига кам сотдилар. Район матлубот жамиятлари союзларининг учдан икки қисми ва район матлубот жамиятларидаги ҳар тўрт магазиндан бири товар обороти планини бажаролмади, мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш ва етказиб беришда катта қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Ҳар хил текширишлар ва ревизиялар ўз ҳолича олиб борилаётганлиги ва уларнинг координация қилинмаганлиги иш кайфияти ва маромини жиддий равишда бузмоқда. Бунақада ўртоқлар, қачон ишлаб бўлади, ахир?

Ваҳоланки область партия комитетининг қарори билан текширишларни координациялаш махсус кенгаши тузилган эди. Унга область халқ контроли комитетининг раиси бош бўлганди. Хўш, ўртоқ Севастьянов, бу қарор нега бажарилмаяпти?

Масалага бу хилда ёндашишга қатъий барҳам бериш, ўз иш услубига талабчанлик билан баҳо бериш ва уни амалда қайта қуриш, жадаллаштириш йўлида вужудга келаётган янги, ижобий нарсаларни мустаҳкамлаш пайти келди.

Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, пленум ва бюроларда коммунист раҳбарларнинг ҳисоботини тинглашдек ўзини оқлаган, самарали иш услубини қўлланишга тушуниб етилмаётганлиги кишини ажаблантиради. Тошкент шаҳар партия ташкилотида ўтган йилга нисбатан бундай ҳисоботлар анча камайиб кетди, Оҳангарон, Калинин ва Чиноз район партия ташкилотларида бу йил раҳбарлар ҳисоботи умуман қўйилмади.

Партия ташкилотларининг кўпчилигига соғлом танқидий руҳ кириб борган эмас. Шуни айтиш кифояки, Бекобод ва Янгийўл шаҳар партия ташкилотларида партия мажлисларида атиги ҳар беш-олти коммунистдан бири танқидий мулоҳаза ва таклиф билан чиқмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва XXI съезд берган ҳақиқат сабоғи бизни шундай ҳаракат қилишга мажбур этадики, ҳар бир партия ташкилотида коммунистлар, айниқса, раҳбарлар томонидан партия ҳаётининг ленинча нормалари бузилишининг ҳар қандай имкониятини йўқотадиган талабчанлик ва ўз-ўзини танқид вазиятини вужудга келтириш керак.

«Чирчиксельмаш» заводи директори ўртоқ В. А. Беляев билан ёнма-ён ишлаётган коммунистлар у одамлар билан муомалада қўполлик қилишини, такаббурлигини, ўзини кўпинча нотўғри тутишини кўрмаганмидилар? Албатта, кўрган эдилар. Бироқ завод партия комитети «ўзини қўлга олиши» ва директордан бу камчиликлари учун принципиал талаб қилиши учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аралашишига тўғри келди.

Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» монтаж бошқармаси партия бюроси бошқарма бошлиғи Цибулькин олдида ўзини нега бунчалик итоаткор тутади. Бошқарма бошлиғи ўзини кўрсатиш учун ижроия комитет, маъмурий органлар ва ҳатто трестдан юқори турган органлардан ўзига келган ҳужжатларга ҳеч иккиланмай «Партбюрога — ижро этиш учун», «Партбюро секретарига — назоратта олинсин», «Партия бюросида муҳокама қилинсин ва ишлаб чиқилсин» қабилида резолюциялар ёзиб чиқаради.

Чирчиқ шаҳар партия комитети (ўртоқ Асепков), бошқа партия комитетлари учун бундай фактлар огоҳлантирувчи сигнал бўлиб хизмат қилиши, қуйи партия бўғинлари орқали қайта қуриш йўлини амалда ўтказиш, уларга ҳар томонлама ёрдам ва мадад бериш омили бўлиши керак.

Ана шундагина ҳар бир партия ташкилоти — жанговар, ҳар бир коммунистнинг позицияси — актив бўлиши мумкин. Биз бундай позицияни тарбиялашимиз, кадрларни ёшликдан чиниқтиришимиз керак. Худди шу туфайли область партия ташкилоти учун бугунги кунда партияга янги кирганларни тайёрлаш ва тарбиялаш, ёш коммунистлар билан ишлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Кейинги вақтларда 500 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотида ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, бу муҳим соҳада бизда ҳали кўпгина камчилик ва нуқсонлар бор. Партия сафларини сон жиҳатдан ўстириш тўғрисида қайғуриш ҳамон кўп ҳолларда партия комитетларини партияга кираётган ёшларнинг ишчанлик, сиёсий ва ахлоқий сифатларини пухта ўрганиш масалалари билан шуғулланишларига, бригада, цех, ферма ва иқтисодий ҳамда социал. қурилишнинг бошқа муҳим участкаларида партия таъсирини кучайтиришга тўсқинлик қилмоқда. Аҳолининг социал структурасидаги ўзгаришлар, меҳнат коллективларининг ўзига хос хусусиятлари, халқ хўжалиги ривожланишининг вазифа ва истиқболлари ҳамон етарли ҳисобга олинмаяпти. Партияга кирувчилар чуқур ўрганилмаётганлиги, улар билан тарбиявий иш сусайтириб юборилганлиги натижасида область партия ташкилотида шу йилнинг олти ойи ичида КПСС Уставининг 8- ва 16-параграфлари бўйича 80 дан ортиқ киши партиядан чиқарилди ва ўчирилди.

Партия комитетлари аҳволни қатъият билан тузатиб, бу муаммоларни шаҳар ва район партия комитетларининг бюро, пленумларида чуқурроқ ва талабчанлик билан кўриб чиқишлари, доимо бошланғич партия ташкилотларига таяниб иш кўришлари, партия сафларини шакллантириш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш масалалари билан пухтароқ шуғулланишлари керак. Партия иши савиясини ошириш тадбирларининг бутун комплексида, бу ишнинг ҳаётимиз ҳамма томонларига таъсир қилиш самарадорлигини кучайтиришда область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими, область партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Нестеренко жадалроқ, бир мунча ижодий, аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб боришлари керак.

Ўртоқлар! Биз яшаётган ва меҳнат қилаётган давр алоҳида даврдир, эртанги кун учун масъулият кучайган даврдир. Эртанги кунимиз қандай бўлиши партиянинг XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ҳужжатларида яққол ва равшан кўрсатиб берилган. Эртанги куннинг қандай бўлиши Сиз билан бизга, ҳар бир коммунистга, областнинг ҳар бир меҳнаткашига боғлиқдир, ўртоқлар. Бизнинг ўн иккинчи беш йилликда қандай марраларга чиқа олишимизга боғлиқдир.

Белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун партия съезди қарорларини бажаришни таъминлаш юзасидан область партия комитети фаолиятининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилиб, бугун Сизнинг муҳокамангизга қўйилмоқда.

Пленум иштирокчилари мазкур ҳужжат юзасидан ўз таклифлари, мулоҳазалари ва қўшимчаларини айтадилар, бу ҳужжат областни иқтисодий ва социал ривожлантириш кенг миқёсли беш йиллик планини амалга оширишда самарали восита бўлиб қолади, деб ишонч билдиришни истардик. Бу ҳужжатни халқ депутатлари область ва Тошкент шаҳар Советлари сессияларида кўриб чиқилади.

Белгиланган режаларни бажариш эса партия XXVII съездининг халқ хўжалигини интенсивлаштириш йўлига ўтказиш руҳини амалда тасдиқлаш, янгича ишлаш жиддий имтиҳонига бардош бериш демакдир. Область партия ташкилотининг яратувчилик куч-ғайрати, меҳнаткашларнинг ижодий изланиши ва кўтаринкилик руҳи ана шунга қаратилиши лозим.

